

сафарина ҳаза ал-бирро ваттақва ва минал ʔамали ма тарзо, Аллоҳумма ҳаввин ʔалайна сафарана ҳаза ватви ʔанна буʔдаху, Аллоҳумма антас соҳибу фиссафари валхалийфату фил аҳли. Аллоҳумма инний аʔузу бика мин ваʔсоис сафари ва каобатил манзари ва суʔил мунқолаби фил мали вал аҳли», деб айтардилар.

Маъноси: «Бизларга бу (кема ёки от-улов)ни бўйсундириб қўйган Зот (яъни, Аллоҳ барча айбу нуқсондан) покдир. Биз ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз, бизлар (барчамиз) Раббимизга қайтгувчидирмиз. Аллоҳим, Сендан бу сафаримизда яхшилик ва тақвони ҳамда Сен рози бўладиган амални сўраймиз. Аллоҳим, бу сафаримизни бизга енгил қилиб, узоқлигини яқин қилгин. Аллоҳим, сафардаги йўлдош ҳам, хонадонда қолувчи ўринбосар ҳам Ўзингдирсан. Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққатларидан, маҳзунлик манзараси ва молу-мулк, оилага етадиган зиён-заҳматдан паноҳ беришингни сўрайман».

Агар сафардан қайтсалар, юқоридаги дуони айтиб, қуйидагиларни қўшимча қилардилар:

نُودِمَاحَ اَنْبَرَلَّ نَوْدِبَاعَ نَوْبِئَاتَ نَوْبِيَا

«Айибу’на, та’ибуна, а’бидуна, лироббина’ ҳа’мидуна».

Маъноси: «(Биз) қайтувчи, тавба қилувчи, ибодат қилувчи ва Раббимизга ҳамд айтувчилармиз».

Муслим ривоятлари.

Абу Довуд ривоятларида эса:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва аскарлари агар баландликка кўтарилишса, такбир, агар пастликка тушишса, тасбеҳ айтишар эди», деб қўшимчаси келтирилган.

Сафардаги машаққатдан паноҳ сўраш

Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар сафар қилсалар

نَمَّ كَبُّ دُوْعَ اَيِّنِّ اِمُّهَلَلِ اِلَهَالِ اِي فُؤْفِي لَخَلْ اَوْرَفَّ سَلِ اِي فُبِحَّ اَصَلِ اَتَنْ اَمُّهَلَلِ
نَمَّوْءِ مَوْلُطْمَلِ اَوَّوْعَ دَنْ مَوَّءِ نَوَكَلِ اَدَّعَبَ رَوْحَلِ نَمَّوْءِ بَلَقْنُ مَلِ اَبَّ اَكَّوْرَفَّ سَلِ اِءَاثْ عَو
لِ اَمَلِ اَوَّلِ اِلَهَالِ اِي فِرَطْنُ مَلِ اِءَوْس

**«Аллоҳумма антас соҳибу фиссафари вал халийфату фил аҳли.
Аллоҳумма инний аъзу бика мин ваъсоис сафари ва каобатил
мунқолаби ва минал ҳаври баъдал кавни ва мин даъватил мазлуми
ва мин су'ил манзари фил аҳли вал мали»,** деб айтардилар.

Маъноси: «Аллоҳим, Сен сафардаги йўлдош ва хонадонда қолувчи ўринбосардирсан. Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққатини, хафалик етиши, истиқомат ёки зиёдалиқдан ноқисликка қайтиш, мазлум дуоси ва молу-мулк, оиладаги ёмон манзарадан паноҳ тилайман».

Термизий, Насайй, Ибн Можалар ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.